Ушбу сонда:
2 САРМОЯДОРЛАРГА объектларни рамзий нархларда сотиш механизми ишга тушгач
3 TV – ДАСТУРИ
4 *Бор бўл, оқибат!* ҚАЛБДА МЕҲР ҚЎРИ ЎЧМАСИН

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

**2004 йил 13 феврал, жума № 24 (1657)**

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## КОРХОНА ТОЛАСИ ХОРИЖГА

***Кегейли туманидаги «Халқобод момиғи» акциядорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилган 1700 тоннадан ортиқ тола хорижга экспорт қилинди.***

Айни кунларда Америка Қўшма Штатлари, Швейцария, Италия, Австрия давлатларидаги буюртмачилар Оролбўйи пахта тозаловчилари тайёрлаган хомашёни сифатидан мамнун.

Жамият раиси Муродбой Қодировнинг маълум қилишича, йил давомида корхонада 1 миллиард 243 миллион сўмлик юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилиб, уларнинг асосий қисми хорижга жўнатилди.

**И.ИСОМИДДИНОВ**

*Ватан ишқи*

## БОЙМУРОТ КЕНГЛИКЛАРИДА

Айдар ҳар йили баҳорда кўпириб тошиб бир ўйин қилади. Атрофдаги яйловларга шиддат билан бостириб боради, уйларни бузиб, қудуқларни шўр сув билан тўлдиради. Бу йил у қиш ойлариданоқ ҳаддидан ошди. Конимехни Боймурот, Қизилқум билан боғловчи йўлнинг йигирма километрга яқинини сув босди. Энди Боймуротга ўтиш учун қум ичидан айланиб ўтишга тўғри келаяпти. Очиғи, боймуротликларни бу унчалик ҳам ташвишлантирганича йўқ. Улар ҳар йили такрорланадиган табиат ҳодисасида, деб кулиб қўяқолишади. Ўйлайдиган томони бошқа ёқда. Айдар тўлқинлари чуқурликда жойлашган овулни ўраб турган қирликларга яқинлашиб келмоқда. Аммо тадбиркор халқ ҳар галгидек бунинг иложини қилади.

Яшаётган жойингнинг ҳар қаричи Ватан. Боймурот ҳам боймуротликлар учун ота-боболарининг ҳоки қўйилган муқаддас маскан. Қозоқ ва қорақалпоқ миллатига мансуб бу кишилар шу ерда туғилишди. Кимсасиз фақат саксовулу юлғунлар безаган қумли қирликлар бағридан бир жозиба ва гўзаллик топишди ва унинг умрбод мафтуни бўлиб қолишди.

Боймурот мустақиллик йилларига келиб тамомила яшнаб- яшариб кетди. Бўрттириброқ айтадиган бўлсак, қип-қизил чўл бағридаги яшнаб турган чаманга айланди. Узоқ йўлдан ҳадеб бир хил манзарани кўраверib толиқиб келган йўловчи овул марказига кириши билан кўз олдида намоён бўлган ажиб кўринишдан лол қолиши табиий. Машҳур қозоқ оқини Абайнинг сервиқор сурати жой олган ва шу ном билан аталадиган майдонда отилиб турган фавворалар, унинг атрофида виқор билан бўй чўзган, Нурота мармари билан жило берилган бири-биридан гўзал маданият саройи, қариялар чойхонаси, савдо расталари, маданий-маиший иншоотлар сизни худди эртаклар оламига кириб қолгандай сеҳрлаши тайин. Худди шу майдонга туташ ерда Хотира хиёбони барпо этилган. Унинг ёнида эса яқиндагина 35 миллион сўмга қурилган 450 ўринли бозор жойлашган. Бозор ичидаги савдо расталари, ошхона, дам олиш масканлари ҳам хўжалик ҳисобидан барпо этилди. Мармар плитали ва асфальт йўллар қурилишининг ўзига 15 миллион сўм сарфланди.

Хуллас, боймуротликлар амалга оширган ободончилик, хайр-саховат ишларининг сон-саноғи йўқ. 5 та умумтаълим мактаби, овул шифохонаси, 4 та фельдшерлик-акушерлик пунктининг таъмиридан тортиб ўтин кўмиригача хўжалик ўз зиммасига олган. Шифохонага хўжалик ҳисобидан бепул янги «Дамас» автомашинаси олиб берилди. Ўтган йил ушбу шифо маскани 18 миллион сўм маблағ ҳисобига замонавий асосда қайта таъмирланди. 1,5 миллион сўмлик дори-дармон учун пул ўтказилди. Олий ва ўрта махсус билим юртларида ўқиётган 24 нафар талаба хўжалик ҳисобидан таълим олмоқда. Чунки эрта-индин врач, ўқитувчи, зоотехник, механик бўлиб етишган бу билимдон ёшлар яна Боймурот бағрига қайтишади. Ҳозир Боймурот яйловларида 70 минг бошга яқин қўй-қўзи ўтламоқда. Чорвачиликдан олинган соф даромад шу йил ҳисоб-китобларига кўра 350 миллион сўмга етди. Бу ўз-ўзидан ишловчилар моддий манфаатдорлиги ошди, деган сўздир. Ҳозир хўжалик аъзосининг ўртача ойлик маоши 30 минг сўмни ташкил этаяпти. Агар бунга хўжалик аъзолари олаётган дивидентни ҳам қўшадиган бўлсак, бу кўрсаткич янада юқорироқ бўлиши табиий. Масалан, 2003 йилда чўпонлар Сивет Тонготаров ва Серикбой Мағамбетовларга 500-520 минг сўмдан дивидент берилган бўлса, ҳайдовчи Рўзи Амонов, ишчи Алимжон Жунусовлар 500 минг сўмдан улуш олишди. Ижтимоий ҳимоя мақсадларига ўтган йили 10 миллион сўмдан ошиқ маблағ ажратилди.

**Ялғош САРИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Фермерлар ҳақида ҳикоялар*

***Ўтган йилнинг октябр ойи ўрталари эди. Таҳририят топшириғи билан Шаҳрихон томонга йўлим тушди. Боғларга бурканган «Ўрмонбек» қишлоғидан ўтганимдан сўнг йўлнинг чап тарафидаги чамандек очилиб турган пахтазорни кўриб ҳайрон бўлдим. Чунки бошқа майдонларда ҳосил тугаб, ғўзапояларгина кўзга ташланарди холос.***

– Ажабо, бу дала қайси хўжаликка қарашли экан – дея дала йўлидан чиқиб келаётган отахондан сўрадим.

– Бу даланинг хўжаликка алоқаси йўқ, болам, – саломаликдан сўнг жавоб қайтарди отахон. Худоёрмирза Мўминов, деган фермерники. Ёшиям улуғ, аммо ишни

## УФҚЛАРНИ КЎЗЛАР НИГОҲИ

боплаяпти азамат. Атрофдагилар аранг 20-25 центнерга етказиб-етказмасдан, юрганларида, у гектарига 50 центнердан пахта етиштиряпти.

Гапимиз тугамасидан қарши томондан келаётган оқ рангли автомобил отахон чиқиб келган дала йўли тарафга бурилди. Ҳалиги оқсоқол ҳассани кўтариб автомобилни тўхтатди.

Отахон автомобилдан тушган гавдали, истараси иссиқ кишига қараб деди:

– Умринг узоқ бўларкан ука, манави меҳмон билан сен ҳақингда гаплашиб турган эдик.

Худоёрмирза аканинг ёши етмишдан ошиб кетган. Тенгдошларининг баъзилари аллақачон ҳасса таяниб қолган. Шу ҳақда гаплашганимизда у кулди:

– Ҳамма нарса инсоннинг ўзига, ниятига боғлиқ. Келажакка ҳамиша умид билан қараш, эзгу нарсаларни ўйлаш, ёруғликка интилиб яшаш лозим. Бошга ҳар қанча оғир савдо тушгандаям умидсизликка тушмаслик, тантанасига ишонч билан қараш керак.

Х.Мўминов бу гапларни беҳудага айтмаётган эди. У дунёда инсон қисматига қандай кўргилик ва қийинчиликлар ёзилиши мумкин бўлса, кўпларини бошидан кечирди. Ота-онадан барвақт етим қолди. Норасида укаларини тарбиялаб, вояга етказди, уйлади-жойлади, ўқитди. Ўзини ҳам унутмади. Аввалига олти ойлик ҳисобчилар тайёрлаш курсини битказди. Хўжаликда шу соҳада узоқ йиллар ишлади. Шу билан бир қаторда ҳозирги Тошкент иқтисодиёт университетининг сиртқи бўлимига ўқишга кириб, уни имтиёзли битказди. Илмий иш билан ҳам шуғуллана бошлади. Бошқача айтганда, аспирантурада илм олишни давом эттирди. Лекин унинг катта меҳнат эвазига эришган ютуқларини кўролмайдиганлар топилди. Шўро замонида Х.Мўминовга ҳам куракда турмайдиган айблар қўйилиб, озодликдан маҳрум этилди.

– Озод Ўзбекистонимиздан ўргилай, – дейди фермер. – Чунки истиқлол туфайли мен сингари ноҳақ қамалганлар «иши» қайта кўриб чиқилди ва озод этилди.

Худоёрмирза ака қишлоққа қайтгач, энди ёшим олтмишдан ошди, ўғил-қизларни уйлаб-жойлаб, улар роҳатини кўриб ётай, демади. Мустақиллик туфайли юзага келган имкониятлардан фойдаланиб, эл-юрт ободончилиги ва фаровонлиги, она қишлоқ тараққиёти йўлида меҳнат қилишга бел боғлади. Шаҳрихон туманида биринчилардан бўлиб ўзи яшайдиган Амир Темур номли ширкат хўжалигидан 44 гектар ер олди ва деҳқончилик билан шуғуллана бошлади. Бугунги кунда у раҳбарлик қилаётган жамоада ўттиз нафардан ортиқ киши иш ўрнини топган. Экин майдонида пахта, буғдой, шоли, сабзи-пиёз ва қовун-тарвуз етиштирилади. Бундан ташқари, 3 гектар ерда ўн хилдан ортиқ мева дарахти ўсяпти. Етиштирилган мева ва сабзавотлар, қовун-тарвузлар қишлоқ касалхонаси ва болалар боғчаларига берилади. Ўтган йили ҳар гектар ердан 42 центнердан пахта йиғиштириб олинди. Буғдой ҳосилдорлиги 89 центнерга етказилди. Бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Ҳозир хўжаликда 35 бош қўй, 6 бош сигир боқиляпти.

Ўтган йили пахтачиликдан 15 млн. сўм, дончиликдан 14 млн. сўм даромад олинди. Шунинг бир қисмини ишловчиларни ижтимоий ҳимоялашга харажат қилинади. Ҳар бир ишловчининг ўртача ойлик маоши 33 минг сўмданга тўғри келди. Уй ҳайвонлари бор аъзоларга шелуха ва кунжара бериб бориш йўлга қўйилган. Ишловчилар учун тушлик бепул. Дала шийпонида барча шарт-шароит муҳайё. Ўтган йили «Маънавият хонаси» ташкил этилди. Дала четларига ва йўл бўйларига 6 минг туп терак кўчатлари ўтқазилди.

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## 68 ҚАРИЯНИНГ УЙИ ТАЪМИРЛАБ БЕРИЛДИ

***Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори бўйича Жиззах вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.***

*Қарор ва ижро*

Вилоятда пенсия ва ижтимоий нафақа олувчилар 100 минг нафардан зиёд кишини ташкил этади. Уларнинг пенсия ва ижтимоий нафақа тўловлари ўз вақтида етказилмоқда. Марказга узоқ бўлган ҳудудлардаги фуқароларнинг ишларини енгиллаштириш мақсадида вилоятдаги шаҳар, туман ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан қишлоқ, шаҳар, маҳалла фуқаролар йиғинлари, хўжалик ва ташкилотларда 159 та ахборот марказлари ташкил этилиб, ҳар ҳафтанинг жума кунлари фуқароларни қабул қилиш йўлга қўйилган.

Дўстлик, Зомин, Ғаллаорол туманлари ижтимоий таъминот бўлимларида ибратли ишлар қилинаётир. Хусусан, бу ҳудудларда пенсияга чиқувчи фуқароларни тантанали равишда кузатиш анъанага айланган.

Ўтган йили 2723 нафар имтиёзга эга пенсионер ва ногиронлар дори-дармон таъминоти билан таъминланди. Ногиронларга ҳасса, қўлтиқтаёқ, аравача ва эшитиш мосламалари олиб берилди. Ёлғиз қария ва ногиронларга транспорт ва коммунал хизматлардан имтиёзлар жорий этилди.

Вилоят бўйича 829 нафар ёлғиз қарияга вилоятимизнинг барча ҳудудларида (шаҳар ва шаҳар атрофи йўналишларида) фойдаланишлари учун бепул йўл чипталари берилди. Юртимизда ўтказилаётган умумхалқ байрамларида 2100 нафар фуқаро моддий ёрдамдан баҳраманд бўлди. Байрам тадбирлари ва дастурхон учун 120 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

– Якка-ёлғизлар, кам таъминланган оилаларни ўз ҳолига ташлаб қўймаслик, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш бурчимиз, - дейди Жиззах вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи Сакина Алмедова. – Элимизнинг асрий қадриятлари тикланаётган айни даврда бу шарқона удумимиз ўз кучини янада ёрқинроқ намоён этмоқда. Хусусан, 68 нафар қариянинг уй-жойлари ҳомийлар ҳисобидан таъмирлаб берилди. Уларга жами 290 миллион 322 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди.

Барча шаҳар ва туманларда ҳокимликлар билан ҳамкорликда ётиб қолган ногиронлар, кам таъминланган оилалар, боқувчисини йўқотган ва чин етим болаларнинг уйларига бориб, уларнинг ҳолидан хабар олиниб турилибди. Зомин туманидаги «Мурувват уйи»га 5 миллион сўмлик ҳомийлик кўмаги кўрсатилди.

Бунда вилоят божхона бошқармаси Даштобод йўл қурилиш акционерлик жамияти, Дон маҳсулотлари, «Пахтасаноатсотиш» ҳиссадорлик бирлашмаси, «Соғлом авлод учун» жамғармаларининг ҳиссалари катта бўлди. Шунингдек, уларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда саховатпеша тадбиркорларимизнинг ҳам хизматлари катта.

- Ўтган давр ичида ёлғиз қария ва ногиронларни диспансер кўригидан ўтказиш ва уларни ногиронлик аравачалари, эшитиш мосламалари, протез-ортопедия маҳсулотлари, ҳасса, қўлтиқтаёқ, кўзойнак билан таъминлаш борасида ҳам бир талай ишлар қилинди. Улар соғлиқни сақлаш бўлимлари томонидан диспансер кўригидан ўтказилди. Муҳтожлар амбулатория ва стационар шароитларда даволанди.

Вилоят ҳудудида истиқомат қилувчи 1562 нафар пенсионер «Олтиариқ», «Товоқсой», «Косонсой», «Семашко» сиҳатгоҳларида ва вилоятимиздаги «Қариялар пансионати» ҳамда бошқа даволаш масканларида даволаниб, соғлиқларини мустаҳкамлашди.

Вилоятда 2003 йил март ойидан бошлаб «Қариялар пансионати» фаолият кўрсатмоқда. Бугунгача бу масканда 722 нафар пенсионер, ногирон ва ёлғиз қариялар даволаниб чиқишди.

Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан вилоятда 13 та жамоат марказлари ташкил этилган. Уларда 222 нафар ёлғиз, кекса пенсионер ва ногиронлар уюшган ҳолда дам олиб, мулоқотда бўладилар.

Ўтган йил ноябр ойида Жиззах Олимпия захиралари коллежида спорт мусобақалари ўтказилди. Унда 80 нафар ногирон мини футбол, шоҳмот, шашка, стол тенниси, қўл жанги, аравачалар пойгаси каби спорт турлари бўйича қатнашишди. Ушбу тадбирда қатнашган ногиронларга ҳомий ташкилотлар томонидан эсдалик совғалари берилди. Биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган ногиронлар республика спорт мусобақасида қатнашиш имкониятига эга бўлишди.

**Бўрибой НОРҚУЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



Р.ЖУМАМУРОДОВ (ЎзА) олган сурат

Пойтахтнинг Собир Раҳимов туманидаги «Тегирмон» илмий-ишлаб чиқариш корхонаси 1990 йили ташкил этилган. Унда олиб борилган илмий изланишлар амалиётга тадқиқ этилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Корхонада ўн нафар ишчи, олти нафар илмий ходим фаолият кўрсатади. Улар янги тадқиқотлар олиб бориш ва амалиётга жорий этиш борасида талай ютуқларга эришишган. Илмий изланишларнинг натижаси ўлароқ, крахмал маҳаллий хомашё-гуруч оқшоғидан олинади. Олинган крахмалдан эса корхона жамоаси техник крахмал ва декстрин клей ишлаб чиқаради.

***Суратда: корхона илмий ходими А. Йўлдошев.***

Самарқанд шаҳридаги «Киноп» хиссадорлик жамиятида 447 нафар ишчи меҳнат қилади. Улар орасида қатор касбларни эгаллаган тажрибали ишчилар кўп. Бу ерда асосан 40 турдаги иситиш мосламалари ишлаб чиқарилади.Маҳсулотларнинг сифатлилиги, фойдаланишда қулайлиги боис харидорлар сони ортмоқда.

***Суратда: С.Сиромлянов***



**Ғ.ХИДИРОВ олган сурат**

## «МОҲИРА»НИНГ МУРУВВАТИ

«Моҳира» хусусий ўқув маркази раҳбари Муҳаббатхон Отаева Гулистондаги 27-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларини совғалар билан хушнуд этди. У Сирдарёда моҳир тикувчи сифатида ном чиқарган. Бир неча бор «Ташаббус» кўрик-танлови ғолиби бўлган бу аёл бугун шаҳар ва қишлоқ қизларига касб сирларини ўргатмоқда. Узоқдан келганлар учун эса ўз уйида ётоқхона ташкил қилган.

Муҳаббатхоннинг хайрия тадбирида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи турмуш ўртоғи Саидолимхон ҳам қатнашди. Ишбилармон оила вакиллари меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига кийим-кечаклар ва ширинликлар топширди.

## МЎЙНОҚ ҚОРА ОЛТИНИ

«Жанубий мўйноқ» кони республика нефт ва газ саноати салоҳиятини ошириш, мамлакат ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга.

Яқинда «Бухороурал» газ қувурига қўшилган Мўйноқ туманидаги бу ер ости хазинасида ҳар куни 20 тонна қора олтин қазиб олинмоқда.

Бу ерда «Ўзбекнефтгазқурилиш» очиқ акциядорлик жамиятининг бунёдкорлари 63,5 километр узунликдаги 537 миллиметр қалинликдаги газ қувурларини қисқа муддатда қуриб битказдилар.

Айни чоғда мазкур магистрал мамлакатимизга 3 миллион куб метр «зангори олов» ва 80 тонна газ конденсати етказиб бермоқда.

**Б.ЭРНАФАСОВ**

## НОГИРОН БОЛАЛАР УЧУН БАЙРАМ

Чортоқ туманидаги 53-ўрта умумтаълим мактабида ногирон болалар ўртасида шашка бўйича мусобақа ўтказилди. Туман прокуратураси ташаббуси билан қатор корхона ва ташкилотларнинг ҳомийлигида ўтказилган мазкур спорт байрами Меҳр ва мурувват йилига бағишланди.

Мусобақа якунларига кўра иштирокчиларнинг биронтаси ҳам совғасиз қолмади. Қизиқарли ўтган баҳсларда Й.Абдураҳмонов, Н.Аҳмедов, И.Усмонов ғолиб чиқди. Биринчи синф ўқувчиси А.Олимов эса турнирнинг энг ёш иштирокчиси сифатида махсус соврин билан тақдирланди. Мусобақа ғолиблари учун Наврўз кунлари Тошкентга саёҳат уюштирилади.

*Олимпиада*

## ЙЎЛЛАНМАЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

Шу йилнинг 13-29 август кунлари Грециянинг Афина шаҳрида ёзги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтади.. Айни пайтда ҳамюртларимиз ана шу йирик спорт анжуманида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун курашмоқда.

Куни кеча яна уч нафар ҳамюртимиз XXVIII Олимпиада ўйинларида қатнашиш учун махсус лицензияни олишга эришди.

Франция пойтахти Париж шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган Гран-при туркумига кирувчи супер «А» турнирида оғирлиги 100 килограммдан зиёд дзюдочилар баҳсида совриндорлар қаторидан жой олган ҳамюртимиз Абдулла Тангриев олимпия йўлланмасини олди. А.Тангриевдан олдин дзюдочилардан Э.Акбаров ҳам Афинага йўлланмани нақд қилганди.

Эркин курашчилардан яна икки нафар спортчимиз Олимпиадага борадиған бўлди. Словакияда ўтказилган халқаро турнирда Артур Тавказақов ва Магомед Ибрагимов имкониятдан унумли фойдаланди. Бунгача эркин курашчилардан Д.Мансуров, А.Таймазов, Д.Захардинов ҳам олимпия лицензиясига эга бўлганди.

10 февралгача бўлган натижаларга кўра 31 нафар спортчимиз ўнта спорт тури бўйича Олимпиада ўйинларида юртимиз шарафини ҳимоя қилиш ҳуқуқини қўлга киритган.

Эсингизда бўлса, биринчи олимпия лицензиясига ўтган йилнинг июл ойида Швейцариянинг Айгл шаҳрида жаҳон чемпионатининг «Б» гуруҳида муваффақиятли қатнашган велоспортчи С.Лагутин эришганди.

Айни пайтда спортчиларимиз орасида сузувчилар энг кўп йўлланма олишга муваффақ бўлган. Сузиш бўйича бирваракайига еттита ҳамюртимиз - А.Агафонов, О.Пухнатий, А.Васильев, Р.Начаев, И.Шмелева, А.Морковин, О.Сидиров Грецияга боради.

Бундан ташқари, С.Войнов, Л.Перепелова, Г.Хуббиева, А.Журавлёва, В.Смирнов (енгил атлетика), О.Чусовитина (спорт гимнастикаси), А.Чеглаков (юнон-рум кураши), Е.Хилко (батут), Б.Усмонов, А.Ўринов, И.Халилов (оғир атлетика), Б.Султонов, Р.Саидов, Д.Маҳмудов, Ш.Ҳусанов, Б.Хидиров (бокс) ҳам Афинага йўлланмани нақд қилди.

Ҳали XXVIII Олимпиада ўйинлари бошланишига олти ой бор. Бу вақт мобайнида спортчиларимиз Афинага йўлланма берадиган мусобақалар - жаҳон кубоги, Осиё чемпионати ҳамда нуфузли халқаро турнирларда иштирок этади. Ҳисоб-китобларга қараганда, эркин ва юнон-рум кураши, бокс, оғир атлетика, теннис, қиличбозлик, дзюдо, таэквондонинг ВТФ йўналиши, байдарка ва каноэда ҳамда академик эшкак эшиш бўйича спортчиларимиз олимпия лицензиясини олиши мумкин. Вакилларимизда ҳали Афина Олимпиадасига йўлланма олиш учун имкониятлар етарли. Халқаро майдонларда ютуқларимизнинг ортаётгани эса юртимизда спортни ривожлантириш тўғри йўлга қўйилганининг яна бир исботидир.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси**

## ЁШ БОКСЧИЛАР БЕЛЛАШДИ

Бухорода 1985-87 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида бокс бўйича Ўзбекистон биринчилиги бўлди. Ушбу мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган ёш спортчилар ғолиблик учун рингга чиқди.

Кескин ва муросасиз кечган баҳсларда Ш.Миралиев, О.Назаров, И.Раҳимов, Б.Мамажонов, Ш.Айтбоев, З.Ортиқов, Э.Эргашев, Э.Расулов, А.Отаев, А.Миралимов, Э.Ғуломов, А.Раҳмонов ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, биринчи ўринни эгаллади.

**(ЎзА)**

## МАРКАЗИЙ ҚЎМИТА ПЛЕНУМИ

Куни кеча Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Марказий қўмита раиси этиб Сирдарё вилояти касаба уюшмалари Кенгаши раиси вазифасида ишлаб келган Носирхон Акбаров сайланди.

# САРМОЯДОРЛАРГА

## объектларни рамзий нархларда сотиш механизми ишга тушгач

***«Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни сотишнинг самарали механизмлари, шунингдек, энг яхши бизнес режаларни таклиф этган ҳамда зиммасига инвестицион мажбурият олган сармоядорларга объектларни танлов асосида, шароитдан келиб чиққан ҳолда, номига – рамзий нархларда сотиш механизмининг жорий этилиши ҳозирги вақтда ижобий самара бераётганини қайд этиш лозим» дейилади, Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 7 февралда бўлиб ўтган мажлиси ҳужжатларида.***

Ҳамма ерда бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам ўтган йили 66 та иншоот ва корхоналар давлат тасарруфидан чиқарилди. Хусусийлаштиришдан 1 миллиард 618 миллион сўм маблағ туширилиб, режа ошириб бажарилди. 2003-2004 йилларга белгиланган 120 та акционерлик жамиятларидан 43 тасининг давлат улушлари сотилиши таъминланди. 55 таси савдога чиқарилди. 22 тасида баҳолаш ишлари олиб борилаяпти.

Давлат улуши 51 фоиз ва ундан юқори миқдорда сақланиб қоладиган акционерлик жамиятлари республика ва вилоят иқтисодиётида салмоқли ўрин тутади. Бундай корхоналар сони 47 та бўлиб, улардан 11 таси нефт-газ, 13 таси пахта саноати, 5 таси энергетика тизими тасарруфида. 16 таси маҳаллий ҳокимликлар ихтиёрига берилган.

Вилоятда самарасиз фаолият кўрсатаётган давлат корхоналари ва иншоотларини сотиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Айни чоғда ушбу тоифага киритилган ташкилотларнинг акция пакетларига нисбатан давлат активлари бошланғич нархини босқичма-босқич пасайтириш тартиби қўлланилаяпти. Бундай жараёнда акцияларни сотиб олиш учун икки ва ундан ортиқ харидор чиқса, нарх 5 фоиздан ошиб боради. Бунинг натижасида йил бўйи сотилган акциялар ҳажми 14 миллиард сўмни ташкил этиб, 17 бараварга кўпайди.

Коммунал хизмат кўрсатиш бирлашмасига қарашли Қарши шаҳар «Махсус автокорхона»си, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Китоб, Косон, Деҳқонобод, Қамаши, Қарши, Касби, Нишон туманларидаги «Сув оқова», «Ичимлик суви таъминоти», Талимаржон-Муборак «Ичимлик суви таъминоти» корхоналари очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилди. Шаҳрисабз магистрал электр тармоқларига қарашли кичик корхона давлат тасарруфидан чиқарилди.

Кўп вақтдан бери сотилмай келаётган паст ликвидли 12 та давлат объектларининг нархи босқичма-босқич пасайтирилиб, республика кўчмас мулк биржасининг вилоят филиали орқали савдога қўйилди ва 4 таси сотилди.

«Зарар кўриб ишлаётган иқтисодий ночор давлат корхоналарини паст ликвидли объектларни инвестор томонидан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиниши шарти билан инвесторларга танлов асосида бепул бериш тўғрисида»ги Низомга мувофиқ Қарши шаҳридаги «Ёғочни қайта ишлаш» корхонасини тегишли мажбурият билан инвесторларга бепул бериш режалаштирилган.

### Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилди

Вилоятда 333 та очиқ акционерлик жамиятидан 37 тасининг устав фонди 50 минг АҚШ долларидан юқори бўлиб, 68 тасида устав фондини оширишга қарор қилинган. 211 та акционерлик жамиятида мулкчиликнинг масъулияти чекланган жамият, 3 тасида хусусий мулк шаклига ўтиш, 9 тасида қўшилиш ва бирлашишга қарор қилинди.

Коорпоратив бошқарувни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаяпти. Акционерлик жамияти тизимида қолаётган 105 та корхонада бошқарув раҳбарига тобе бўлмаган кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиялари аъзолари қайта сайланди.

Айрим эскича ишлашга ўрганиб қолган раҳбарлар турли баҳона ва сабабларни рўкач қилиб, янги мулк шаклига ўтишни пайсалга солмоқдалар. Натижада мониторинг юритилаётган корхоналардан 5 таси ўз фаолиятини зарар билан якунлади. 20 таси иқтисодий ночор, 3 тасида банкротлик ҳолати юзага келди.

Вилоятда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари 29795 тага етди. Улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва хизмат кўрсатиш ҳажми 201,4 миллиард сўмни ташкил қилади. Ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,9 фоизга етди.

Вилоятдаги 154 та ширкат хўжалигидан 125 таси йилни фойда билан якунлади. Миришкор туманидаги «Жейнов», Касби туманидаги Шароф Рашидов номли, Алишер Навоий номли, Қарши туманидаги Юсуф Хушвақтов номли хўжаликларда олинган фойданинг 60-70 фоизи ширкат аъзоларига дивидент сифатида тарқатилди.

Тадбиркорлар палатаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари қошида 15 та консалтинг марказлари ишлаб турибди. 3 минг нафардан ортиқ тадбиркорлар қисқа муддатли ўқув курсларига жалб қилиниб, билим ва малакаларини оширдилар. Қишлоқларда муқобил машина-трактор парклари, минерал ўғит ва техника эҳтиёт қисмлари билан савдо қиладиган дўконлар фаолият кўрсатаяпти.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқарилишида вилоятдаги 7 та брокерлик идоралари, «Семурғ» ва «Нахшаб» инвестицион фондлари «Вақт», «Файз рестер» депозиторийси, Шаҳрисабз ва Қарши шаҳридаги бизнес-инкубаторлар, «Қашқадарё фонд биржаси» масъулияти чекланган жамияти каби ташкилотлар муносиб ҳисса қўшдилар.

Ҳудудий бошқарма томонидан йил давомида 623 миллион 840 дона акциялар чиқарилди. Айни вақтда қимматли қоғозларни юритишда қонунбузарликка йўл қўйган 19 акциядорлик жамиятларига нисбатан иқтисодий жарималар қўлланилди.

Хусусийлаштириш жараёни давом этмоқда.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**





Ҳамза туманида фаолият кўрсатаётган ООО «Фасад – Антураж» айни пайтда қурилиш учун зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда. Мазкур фирма раҳбари Рустам Кушербаевнинг таъкидлашича 2003 йил июн ойидан иш бошлаган корхонада 12 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. Бу жамоада енгил, ихчам ва қулай бўлган мактаб, болалар боғчаси ва бошқа корхоналар атрофини ўраш учун девор тўсиқлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

**Суратда: илғор ишчи Рустам Рўзимуродов**
**Ғулом ХИДИРОВ олган суратлар**

# ЎРТАЧА ОЙЛИК 70 МИНГ СЎМ

Мамлакатимиз иқтисодиётини юксалтиришда хориж билан ҳамкорликда ташкил этилган саноат корхоналарининг аҳамияти шубҳасиз каттадир. Наманган туманида иш бошлаган уруғлик чигити тайёрлашга ихтисослашган «Миришкор» Ўзбекистон-Франция қўшма корхонаси шулар жумласидандир.

Аҳолини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилиш мақсадида бу ерда 100 иш ўрни яратилди. Замонавий технология билан жиҳозланган қўшма корхонада ишчи-хизматчилар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, дам олиш хоналари шинам ва файзли.

Корхонада ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, уларга тўланаётган ўртача ойлик иш ҳақи 70 минг сўмни ташкил этаётир. Кам даромадли оилалар ва уларнинг фарзандларини моддий қўллаб-қувватлаш, дам олиши ва соғлиқларини тиклашига ҳам амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Меҳр ва мурувват йили муносабати билан корхонада алоҳида дастур ишлаб чиқилган, унга асосан кам даромадли, кўп болали оилалар, якка ёлғиз ва ногиронларга меҳрибонлик кўрсатилиб, хайрия ёрдамлари уюштирилади. Яқин келажакда корхона қошида «Ёғ экстракция заводи»ни қуриш режалаштирилган. Бу эса 150 дан ортиқ янги иш ўринлари деганидир.

**Соҳиба АЪЗАМОВА,**
**«Ишонч» мухбири**

### *Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?*

***«Пахта банк»нинг Дўстобод бўлими Қуйи Чирчиқ туманида кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Хусусан, мазкур банкдан кредит олиб, ишлаб чиқариш ва хизматни йўлга қўяётган ишбилармонлар сони кундан-кунга кўпаймоқда.***

# КРЕДИТ ҲИСОБИГА ЧОРВА МОЛЛАРИ

Айни кунларда мижозларимиз сони 641 тага етди. Уларнинг 260 таси тадбиркорлардир.

Ўтган йилда ана шу тадбиркорларга 115 миллион 440 минг сўмдан зиёд кредит ажратилди.

Чунончи, туманда ташкил этилган «Чашма» фермер хўжалиги бизнес фонд ҳисобидан кредит билан таъминланди. Бир йил муддатга берилган 3 миллион сўм банк маблағини фермер ўз хўжалигида бошланғич сармоя сифатида ишлатди ва уни вақтида фоизлари билан қайтариб берди.

Муҳими, хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш натижасида уларнинг ишлари юришиб кетаётганидан хурсандмиз. Шу боис жорий йилнинг январ ойида 2 та кичик корхона ва фермерларга умумий миқдори 7,5 миллион сўм бўлган кредит берилди. Айни чоғда улар бу маблағлардан тадбиркорлар чорва моллари, техника, уруғлик, эҳтиёт қисмлар сотиб олишмоқда ва шу орқали ишлаб чиқаришни йўлга қўйишаяпти. Энг асосийси, ажратилаётган имтиёзли қарзлар тадбиркорларнинг «Бизнес-режа»ларига мувофиқ самарали ишлатилмоқда, фоизлари ўз вақтида қайтарилмоқда.

**Сирожиддин АБДУАЗИЗОВ,**
**«Пахта банк»нинг Дўстобод бўлими бош мутахассиси**

# НАМАНГАН НАВРЎЗГА ҲОЗИРЛИК КЎРМОҚДА

Меҳр ва мурувват йилида Наманган вилоятида Наврўз байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлардан бири аҳолининг кам таъминланган қатламларига моддий ёрдам кўрсатиш бўлади.

Вилоят ва туманлар ҳокимликлари ҳузуридаги ташкилий ишчи гуруҳлар эл севган байрамни ўтказиш бўйича ишларни мувофиқлаштириб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилмоқда.

Ўтган йили очилган Ёшлар спорт мажмуида ҳам катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Айнан шу ерда илк бор Наврўзнинг асосий байрам томошаси бўлиб ўтади. 3000 кишилик ёзги амфитеатр саҳнасида 2500 дан ортиқ раққоса, қўшиқчи ва созандалар иштирокида театрлашган томоша ўтказилади. Байрам арафасида меҳнат жамоалари, ўқув муассасалари, маҳалла ва қишлоқларда фольклор-этнографик ва эстрада гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик артистлари концертлар намойиш этишади. Кутубхоналар ва савдо павильонларида қадимий ва ҳамиша навқирон Наврўзга бағишланган китоблар кўргазмалари, олий ўқув юртлари ва коллежларда китобхонлар конференциялари бўлиб ўтади.

## БАҲОРГИ ОБОДОНЧИЛИК БОШЛАНДИ

Олмалиқ шаҳрида боғ ва хиёбонлар, йўл бўйларига дарахт ва гул кўчатлари экиш ишлари бошланди. Эрта баҳорда сепиш учун 300 килограмм гул уруғи ҳам тахт қилиб қўйилди. Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Сувоқова» корхонаси жамоаси ўзларига бириктирилган ҳудудларда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини қизғин амалга оширмоқда.

- Об-ҳавонинг қулай келишидан фойдаланиб, ободончилик ишларига бир ой аввал киришдик, - дейди шаҳар коммунал фойдаланиш бошқармаси бошлиғи Султон Жўраев. - Наврўз байрамигача 30-35 минг туп манзарали дарахт кўчати, бир миллион туп гул экилади. Ички йўлларни таъмирлаш учун 25 миллион сўм ажратилган.

**(ЎзА)**

### *2004 йил - Меҳр ва мурувват йили*

Бугунги кунда «Фарғонаёғмой» ҳиссадорлик жамияти бозор ва истеъмолчилар талаблари асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга эътибор қаратмоқда. Бу ерда ишга туширилган янги ёғ қадоқлаш ускуналари корхона маҳсулот сифатини оширди. Янги тармоқ соатига 1,5 тонна маҳсулотни полиэтилен идишларга қадоқлаб беради. Россияликлар ҳамкорлигида олиб келинган дастгоҳлар корхонада янги иш ўринлари яратиш билан бирга қўл меҳнатини камайтиришга ҳам хизмат қилди.

Ўтган йил сарҳисобларига кўра корхона 8 минг тоннадан ортиқ оқланган, 187 тонна салат ёғлари, 7 минг тоннадан зиёд хўжалик, 1054 тонна атир совунлари ишлаб чиқарди. Бундан ташқари, совун ишлаб чиқаришда зарурий хомашёдан 12 минг 514 тонна тайёрлаб берди.

# ТЕЖАЛГАН МАБЛАҒ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА

Эътиборли томони корхона экспорт салоҳияти борасида ҳам ҳамкорлар ишончини қозонмоқда. Бир неча йил муддат халқаро бозордан узилиб қолган корхона яна ўз мавқеини тиклади. Ҳозиргача Эрон мамлакатига дастлабки 2 минг тонна кунжара жўнатилди. Россиялик буюртмачилар талабларига кўра 600 тонна қимматбаҳо глицерин экспорти амалга оширилди. Дори-дармон, гигиена, парфюмерия, мой-бўёқ, қоғоз ва машинасозлик саноатида мазкур маҳсулотга бўлган талаб катта. Шу боис мутасаддилар маҳсулот сифатини яхшилаш, иш ҳажмларини ошириш борасида изланишлар олиб бормоқда. «Мойларни рективсиз парчалаш цехи»да жорий қилинган янгилик маҳсулот сифатини ошириш билан бирга катта миқдорда сармояларни тежаш имкониятини берди.

Гап шундаки, шу пайтгача глицерин ишлаб чиқариш учун асосан кўмир кукунидан фойдаланиб келинган. Эндилида эса унинг ўрнига маҳаллий хомашё-ғўзапоя кукунидан фойдаланилмоқда. Соҳа мутасаддиларининг таъкидлашларича, ғўзапоя кукуни ёрдамида ишлаб чиқарилган маҳслуотнинг тиниқлик даражаси анча юқори бўлиб, халқаро сифат нормаларига тўғри келади. Бу эса корхона маҳсулотларига бўлган талабни ички ва ташқи бозорда ҳам оширди. Энг муҳими, ишлаб чиқаришга жорий қилинган рационализаторлик таклифи самараси билан кўмир кукуни харидди учун сарфланган 5 миллион 681 минг сўмдан ортиқ маблағ иқтисод қилиб қолинмоқда.

- Ишлаб чиқаришдан кўрилган фойда ва тежалган маблағларнинг асосий қисмини ишчи-хизматчилар моддий манфаатдорлигини ошириш, ижтимоий ҳимоясини яхшилаш билан боғлиқ зарурий ишларга сарфлаяпмиз, - дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Озодахон Камолова. - Ўтган йилнинг ўзида 100 нафар ходимларимиз Водилдаги «Сувчи» сиҳатгоҳида бепул дам олиб қайтишди. Бундан ташқари, тиббий муолажаларга муҳтож бўлган 300 нафар ишчиларга шифохонада ўз саломатлигини тиклаш учун корхона ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди. Ишчилар бепул иссиқ овқат билан таъминланади. Шунингдек, шу ерда ишлаб нафақага чиққан фахрий ишчилар ҳолидан хабар олиш, кўнгил сўраш анъана бўлиб қолган. Йил сарҳисобларига кўра ҳар бир ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазаси учун 320 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Меҳр ва мурувват йилида ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясига ҳар йилдагидан кўра кўпроқ маблағ ажратаяпмиз.

Яна бир янгилик. Корхона мутахассислари хушбўй ва нафис атир совунлари ишлаб чиқариш борасида германияликлар билан ҳамкорлик алоқаларини боғлашган. Бу борадаги ишларда Олмониянинг «Села машинен ГМБХ» фирмаси билан ҳамкорлик қилинмоқда. Умумий қиймати 412 минг евро миқдорида сармоя жалб этиладиган тармоқ ишга тушса, соатига 1 тоннадан ортиқ 80 ва 100 грамли хушбўй атир совунлари ишлаб чиқариш имконияти туғилади.

**Расулжон КАМОЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

### *Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

# ҲАР ХОНАДОНДА СИГИР БЎЛСА

Суюнбой ака Дуванаевнинг ўзгача салобати бор. Шунданми, раис қабулхонаси остонасидан ўтишга ҳамманинг ҳам юраги бетлайвермайди. Аммо бошига мушкул иш тушганларга унинг эшиги доим очиқ.

Қорабулоқ маҳалласида истиқомат қилувчи Зебихон Расулованинг бошига ташвиш тушди. Ўтган йилги кузги ёғингарчилик кунларида табиий офат оиланинг қўлини калта қилди. Уйнинг томидан чакка ўтиб, деворлари нурай бошлади. Қўлга тегадиган нафақа жўжабирдек жоннинг қозон қайнатишига етадими, ёки уйни таъмирлашгами? Ана шу савол Зебихон опани Суюнбой аканинг ҳузурига бошлади.

Раис бир пиёла чой тутиб, ширкат жамоаси, маҳалладошлари борлигини айтиб онахоннинг кўнглини кўтарди. Зебихон опа раис ҳузуридан елкасидан тоғ ағдарилгандек, кўнгли кўтарилиб чиқди...

Кўп ўтмай хонага ширкат бошқарув ҳайъатининг аъзолари тўпландилар. Касабақўм раиси Сотиболди Ҳусанов табиий офатдан зарар кўрган оилалар, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида ахборот берди. Иш берувчи билан ходимлар ўртасида имзоланган жамоа шартномасида ширкат аъзоларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш ҳақидаги бандлар ўз аксини топганди.

Шундай қилиб, Зебихон опа қаторида Саодатхон Аббосова, Асқаржон Ҳошимов каби эҳтиёжманд хонадонларнинг уй-жойлари касабақўм ҳамда ширкат маблағлари ҳисобига таъмирланди.

Камол ака Ғозиев меҳнатдан қочмади. Қиш-қировли кунларда яхоб бериш баҳонасида резина этикда сув кечиб, шудгорларга оби-ҳаёт оқизар, ёз чиллаларида тўғон бошларида тиззасигача лойларга ботиб, ариқ, зовур тозаларди. Афсуски, ана шу заҳматлар изсиз кетмади. Шифохонада суяк бўғинларига совуқ ўтган ногирон, деган ташхис қўйишди. Ширкат сувчини тақдир қўлига топшириб қўйишмади. У касабақўм ҳисобидан санаторийларда бепул даволанди, касалхоналарда ётиб чиқди. Бўлмади, дарди оғирлашиб, ётиб қолди. Ана шуларни кўздан ўтказиб, оғир сўлиш олиб ётганда, бемор ҳузурига касабақўм раиси Сотиболди Ҳусанов ва маҳалла фаоллари кириб келишди. Қўлларида яп-янги ногиронлар аравачаси. Камол акани меҳмонлар қўлтиғидан олиб аравачага ўтказиб, ҳовлини айлантирдилар. Камол ака қувончдан энтикиб кетди. Жамоада ҳали ўрни борлигидан, меҳр-оқибат қуршовида эканлигидан кўнгли кўтарилди.

Суюнбой Дуванаев Хўжаобод туманидаги Абдулла Набиев номли ширкатга раис бўлиб келгач, ишни инсон омилига эътиборни кучайтиришдан бошлади. Чунки Қорабулоқ маҳалласи аҳли илгари арзимаган дардлар, кўз-қулоқ, бурун касалликларини даволатгани 6-7 километр йўл юриб, туман марказидаги шифохоналарга қатнарди. Бунинг устига ҳудуддаги 25-ўрта мактаб биноси тутдек тўкилиб турар, болалар қош қорайгунча уч сменада ўқишарди. Боғча ҳам фуқароларнинг пешонасига битмаганди.

Устига-устак ширкат бўйнигача қарзга ботган. Ҳосилдорлик орқага кетган. Ойлик маош жон бошига аранг 6-7 минг сўмга борарди.

Шу боис янги раис оила пудратига зўр берди. Бу ишда касабақўмга таяниб иш кўрди. Негаки, жамоа шартномасида аҳолини ўз-ўзини иш билан таъминлаш, оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда иш берувчи билан касабақўмнинг назоратчилик ролини ошириш ҳақида алоҳида бандлар киритилганди.

Жами экин майдони 605 гектар ер оилавий пудратчилар ўртасида тақсимланди. Натижада пахтачиликда 18 та, ғаллачилик йўналишида 15 та оилавий ижарачилар фаолият юрита бошладилар. Иш ҳақининг вақтида берилиши, ижарачиларнинг меҳнат муҳофазаси, дам олдириш ва соғломлаштириш каби ижтимоий-иқтисодий ҳимоя масалалари касабақўм ҳамда ширкат бошқаруви йиғилишларида мунтазам муҳокамадан ўтказиш одат тусига кирди. Янгидан 40 гектар ер ўзлаштирилди.

Инсон омилига эътибор касабақўм ҳамда иш берувчининг доимо кўз олдида турса, файзу барака, иқтисодий юксалиш жамоага ҳамроҳ бўлади. Суюнбой Дуванаев етакчилиги йилларида пахта ҳосилдорлиги гектарига 41 центнерга кўтарилди. Ғалла ҳосилдорлиги гектарига салкам 80 центнерга етказилди. Пахтачиликдан 5 миллион, ғаллачиликдан 25 миллион соф даромад ёнга қолди. Шу кунларда жамоанинг қўлига 6 миллион сўмга яқин дивидент тегиши кутилмоқда.

Қозон қайнаб турса, рўзғор ташвишлари ортга чекинади. Ғаллакор ижарачилардан Ниёзбой Чобилов ердан 76 центнердан ҳосил кўтариб, ортиқча буғдойни жамоаси билан бўлишиб олди. Ҳозир рўзғорига ун, оқ ёғ, қорамолларга сомон, омухта ем ўзидан чиқяпти.

Ширкатнинг молиявий ҳолати яхшилангач, Қорабулоқ қишлоғининг кўрки ўзгача тус олди. 60 ўринли янги боғча, 520 ўринли мактаб, кейинги йилларда қурилган 3 та қишлоқ врачлик пункти олтин узукка ёқут кўздек ярашиб турибди. Тегирмон, мойжувоз, новвойхоналар ва бошқа маиший хизмат шохобчалари элнинг узоғини яқин, мушкулини осон қилмоқда.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Оролбўйида Жаҳон банки молиялаштирган «Ўзбекистонда дренаж тармоқлари» лойиҳаси амалга оширилмоқда. Мақсад - Амударёга қуйилаётган сизот сувларни коллектор-дренажлар ёрдамида Жанадарё орқали Орол денгизига етиб боришини таъминлашдан иборат.

# ЖАНАДАРЁ ОРҚАЛИ ОРОЛ ДЕНГИЗИГА

Лойиҳанинг дастлабки босқичида Қорақалпоғистон жанубида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, коллектор-дренажларни тозалаш ва ирригация тизимини такомиллаштириш учун 74,5 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланади.

Яқинда бир гуруҳ мутахассислар Элликқалъа туманида бўлиб, лойиҳа доирасида бажарилаётган ишлар билан танишди.

**(ЎзА)**

### *Касаба уюшма ёрдами билан*

# ВАЗИФАСИГА ҚАЙТА ТИКЛАНДИ

Олтинсой туман халқ таълими бўлимига қарашли 1-сонли «Лола» болалар боғчасида қарийб 20 йилдан буён мудира бўлиб ишлаб келаётган Улжон Норқобилова, нимадир бўлдию, ишдан бўшатилди. Мудира топталган ҳақ-ҳуқуқлари тикланишида ёрдам беришларини сўраб таълим ва фан ходимлари Сурхондарё вилоят тармоқ касаба уюшма қўмитасининг туман вакиллигига мурожаат этди.

Маълум бўлишича, туман халқ таълими бўлими мудири вазифасини вақтинча бажариб келаётган Камол Худойбердиевнинг кўрсатмасига асосан бўлимнинг бир гуруҳ ходимлари амалий-назарий ёрдам кўрсатиш учун Улжон Норқобилова мудиралик қилаётган боғчада бўлишади. Буни қаранг-ки, бўлим ходимлари негадир мактабгача тарбия муассасасидан хато-камчилик излашади. Астойдил изласанг камчилик топиларкан. «Тиришқоқ текширувчилар» боғча ошхонасида ҳафталик таомноманинг осиб қўйилмаганлигини пайқаб қолишди. Хуллас, мудира У.Норқобилова боғчада «меню» осиб қўйилмаганлиги учун ишдан бўшатилди.

Аниқланишича, Улжон Норқобилова узоқ йиллик самарали меҳнати давомида бирон марта ҳам интизомий ёки ҳуқуқий жазо олмаган. Аксинча, унинг саъй-ҳаракати билан муассаса фаолияти анча жонланган. Мисол учун, 2002 йили мудира ташаббуси ва елиб-югуришлари натижасида болалар боғчаси тўлиқ газлаштирилган. Шунингдек, тарбия масканида болалар спорт майдончалари бунёд этилган. Боғча тарбияланувчилари «Соғломжон-полвонжон» спорт мусобақаларида туманда биринчи, вилоятда иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишган. Умуман олганда, боғчада таълим-тарбия ишлари намунали йўлга қўйилганлиги боис боғча мудираси ва тарбиячиларига ҳеч қандай эътироз билдирилмаган. Ажабки, шунга қарамасдан болалар боғчаси мудираси Улжон Норқобиловага нисбатан меҳнат қонунчилигига зид равишда жазо қўлланилган.

Хуллас, шикоят тармоқ ходимлари касаба уюшма туман вакиллиги томонидан пухта текширилиб, адолат ўрнатилди. Боғча мудираси У.Норқобилова ўз вазифасига тикланди. Мажбурий бекор юрган кунлари учун унга иш ҳақи ундириб берилди.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ишонч» мухбири**

# «САМАНБОЙ»ДА ТАДБИРКОР АЁЛЛАР КЎПАЯДИ

Нукус туманидаги «Саманбой» овулида яшовчи хотин-қизлар тадбиркорлик билан шуғулланиш имконига эга бўлди.

Овулда туман тадбиркор аёллар уюшмаси ташаббуси билан Осиё тараққиёт банки молиялаштирган лойиҳа амалга оша бошлади. Тадбиркорлик билан шуғулланишни истаган хотин-қизларга мини-кредитлар ажратилди.

- Уддабурон, ишнинг кўзини биладиган аёлларга иш юритиш учун бошланғич маблағ берилди, - дейди туман тадбиркор аёллар уюшмаси раиси Г.Қурбонниёзова. - Мақсад аёлнинг жамиятдаги мавқеини ошириш, олис овулларда тадбиркорликни ривожлантиришдир.

